

MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси нашри



№ 48-49 (1047) 2019 йил 11 декабрь, чоршанба
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган Адади 10 020

2 «ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ МУҲИТНИ ЯХШИЛАШДА БИР ҚАТОР КАМЧИЛИКЛАРИМИЗ БОР...»

4 ТАДБИРКОРЛИК ТАЪЛИМОТИ ДАВР ТАЛАБИ

**ҲЕЧ КИМ,
ҲЕЧ ҚАНДАЙ
КУЧ БИЗНИ
ЎЗ ТАНЛАГАН
ИУЛМИМИЗДАН
ҚАЙТАРА
ОЛМАЙДИ**

2-3-бетларда



Шу сонга

Миллат кўшиғи

Минг-минг йиллар давомида меҳнат тортиб, гоҳ маъюс, гоҳ мағлуб, гоҳ кўкси юксалиб шодумон яшаган заҳматкаш ўзбек халқининг асрий армонлари рўёби, озодлик офтоби елкасига теккандаги қувончлари ифодаси ўлароқ қогозга тушган Давлат мадҳияси чин маънода миллатимиз кўшиғидир! Бу кўшиқнинг ҳам ажойиб тарихи бор.

Замонавий адабиёти-мизда ўчмас из қолдирган улуғ шоир, устоз Абдулла Орипов номи шеър етиб борган юракларнинг ҳар бирини забт этганига шубҳа йўқ. Ўз ижоди давомида жуда катта адабий мулкни халқимизга, азиятватанимизга мерос қила олган бу улкан сўз санъаткорининг хазинасида халқ нақли даражасига айланган минглаб сатрлар, ҳикматлар билан бирга бир нодир гавҳар ҳам борки, бу шеърин олмос Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан то Давлат мадҳияси қабул қилингунига қадар бўлган вақт оралиғида мадҳия матни ва мусиқаси бўйича катта танлов ўтказилган. Бу танловда юртимизнинг кўплаб шоирлари, созандалари қатнашган. Булар орасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг шеъри билан ижро этиладиган иккита мадҳия варианты мавжуд бўлиб, танлов натижаларига кўра, бу икки вариантнинг бири биринчи ўринга, иккинчиси учинчи ўринга лойиқ кўрилган.

Устоз шоирнинг рафиқаси Ҳанифа опа Мустафоева қарийб бир йил давомида тайёрланган ушбу матни 200 мартагача машинкада оққа кўчирган. У кишининг хотирлашича, мадҳиямиздаги «Оламни маҳлиё айлаган диёр» сатри дастлаб, «Оламни ўзига қаратган диёр» шаклида ёзилган бўлиб, мусиқа талабларига у қадар мос тушмаган. Ва узоқ изланиш оқибатида бизга таниш матн вужудга келган.

— Эрта-индин мадҳия танлови кўрилиши керак бўлган бир пайтда 5-қаватдаги уйимизда туни билан Мутал Бурҳонов ва Абдулла акамнинг бетиним изланишларига, меҳнатларига гувоҳ бўлганман. — дейди Ҳанифа опа. — Мадҳияни биринчи биз, бутун оиламиз жўр овоз бўлиб икки буюк ижодкор қаршида ижро этганмиз. Улар бизнинг ижромизни тинглаб, буюк асарнинг ютуқларини ҳам, камчиликларини ҳам кузатиб, синовдан ўтказганлар. Мадҳиямизнинг турли қўлёзма ва машинкада терилган 200 дан зиёд намуналари ҳам, ўша қадрдон машинка ва пианино ҳам бизга табаррук эсдалик бўлиб хонадонимизда турибди.

Мадҳиямизда айтилганидек, «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон» да халқнинг чинакам қалб кўшиғи бўлган, юракларимизни тўлқинлантириб тургучи бу кўшиққа ҳам ватандай абдиёт истаймиз.

Шодмонқул САЛОНОВ, шоир

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР 3



4 **ЖАНОБ ВАЗИРГА ТАКЛИФ ИМ БОР!**

Акмал УМРЗОҚОВ:

«БИЗ УЗОҚ ВАҚТ МАТНДАН ЮЛИБ ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРГА МАҲЛИЁ БЎЛИБ КЕЛДИК»

Инвестициявий муҳит ҳақида гап кетганида, энг аввало, бу жараёнда эркинлик энг муҳим омил эканини таъкидлаш лозим.

Тўғри, кўплаб рейтинг агентликлари томонидан бугунги натижаларимиз эътироф этилмоқда. Лекин

бундай рейтинглар биз кутган даражада, деган савол туғилади.

Шуни тан олишимиз лозимки, юртимизнинг рейтинглардаги ўрни ҳали «А+» ёки «А» даражасида ҳам эмас. Энг ўрта, яъни «В» даражаларда турибмиз.

Давоми 2-бетда

САЙЛОВГА 10 КУН ҚОЛДИ!



Партия «парламентни — «ХАЛҚ УЙИ»га, депутатларни — халқимизнинг фидойи хизматчисига айлантриш»ни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг, энг аввало, ўз сайловчилар билан доимий ва узлуксиз алоқасини йўлга қўйиш орқали мавжуд муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларга ечим топиш чораларини кўради.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди дастуридан

✓ Энг асосийси, Ўзбекистонга, халқимизга, тизимли ўзгаришларга монанд тарзда дунё ҳамжамиятининг муносабати ҳам ўзгаришти. Бу айтиш мумкинки, кейинги уч йилликдаги энг катта ютуқларимиздан бири бўлди.

ЯНГИ АВЛОД ВА ЯНГИ

”

Халқимиз ҳаётини муаммолар ва уларнинг ечимини яхши билладиган, ислохотлар самарасига хизмат қиладиган қонун ва қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатадиган, катта билим ва малакага эга инсонлар депутат бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун кўппартиявийлик асосида сайланадиган янги парламентимиз, биринчи навбатда, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган депутатлардан иборат бўлиши лозим.



Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

Президентимизнинг Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида янги Ўзбекистон учун қонун устуворлиги, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бирламчи вазифа бўлиб қолажаги яна бир бор эътироф этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги уч йиллик янги-янгилари даврида Давлатимиз раҳбарининг келажакка бўлган ишончи, қатъияти ҳамда миллий манфаатларимиз билан боғлиқ ташаббуслари асосида ДУНЁ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ таний бошлади.

Қонун устуворлиги ибораси сўзда эмас, амалда таъминланаётгани жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган муносабатини ҳам тубдан ўзгартирди. Сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг овози баралла янграй бошлагани, сўз ва матбуот учун янги-янги минбарлар пайдо бўлаётгани, иқтисодий таъминланаётгани маълум муддат Ўзбекистонга танқидий муносабатда бўлиб келган халқаро ташкилотларнинг ҳам юртимизга бўлган қизиқишларини оширмоқда.

Ушбу тарихий маъруза ва унда белгилаб берилган устувор вазифалар Юртбошимизнинг БМТ минбаридан туриб айтган сўзлари ҳаётимизда ўз аксини топаётганининг ҳам тасдиғи бўлди, дейиш мумкин. Маърузада ҳар бир йўналиш, соҳа ва тизимлардаги ўзгаришлар билан бирга мавжуд муаммоларга ҳам ҳолисона баҳо берилди.

Шу ўринда маърузада "... жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан бири" эканига ургу берилгани ҳар бир фуқаро қаерда ва қандай соҳада ишлашидан қатъий назар, янги Ўзбекистон учун масъул, янги авлоднинг фаровонлиги, эмин-эркин улғайиши учун жавобгар,

деган маънони ҳам англади.

Президентимиз қабул қилинаётган қонунлар билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлаши аксиома эканига ҳам эътибор қаратдилар. Ва, айрим қонунларнинг замон талабига мос эмаслигини таъкидладилар. Бундай ёндашувдан эса энг аввало биз – сиёсий партиялар вакиллари жиддий хулосалар чиқаришимиз лозим. Тўғри, замон ўзгаришти, талаблар, воқеликка муносабат ўзгаришти.

Энг асосийси, Ўзбекистонга, халқимизга, тизимли ўзгаришларга монанд тарзда дунё ҳамжамиятининг муносабати ҳам ўзгаришти. Бу айтиш мумкинки, кейинги уч йилликдаги энг катта ютуқларимиздан бири бўлди.

Умумдават миқёсидаги янги-янгилари сиёсий майдон иқлимига ҳам таъсир этмай қолмаяпти. Яъни, бу жараёнда сиёсий партиялар билан бирга электорат вакилларининг, энг муҳими, сайловчиларнинг онги, дунёқараши ҳам ўзгаришти. Буни ҳис этмаслик эса ўзимиз ўтирган дарахт шохини кесиш билан баробардир.

Маърузадаги ҳар бир даъват, ташаббус ва вазифалар эса бизни сиёсий макондаги ўзгаришларидан огоҳ этаётган чақириқдек туюлди. Огоҳлик чақириғига "лаббай" дея жавоб қайтариш эса Янгилаётган Ўзбекистон келажаги учун том маънода қайғураётган ҳар бир юртдошимизнинг чинакам фуқаролик бурчидир.



Хуршида ҚЎЧҚАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуksиз давом эттиришимиз зарур. Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор" дея бежиз таъкидладилар.

Чиндан ҳам ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият қонун устуворлиги масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо ўтган йиллар давомида айнан шу масалага эътиборсизлик қилганимиз бугунга келиб яққол сезила бошланди. Инсон манфаати, унинг ҳуқуқлари бирламчи, дея гапирдигу, кўпинча бунинг аксини қилдик. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз "Биз қанчалик мукамал қонунлар яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади" дедилар.

Ҳақиқатан ҳам жамиятга ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни

Долзарб

Бошланиши 1-бетда

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ташаббуси билан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти кўмағида «Оилада ҳуқуқбузарлик профилактикаси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Оилалардаги зўравонликка қарши курашиш, зўравонлик жабрдийдаларини ҳимоя қилиш, бу ишга қўл урган ёки мойиллиги бўлган шахслар билан ишлаш бўйича тажриба алмашилган тадбирда асосий эътибор зўравонликка бевосита учраган хотин-қизлар билан ишлайдиган Ички ишлар вазирлиги ходимлари ҳамда бундай ҳоллар кузатиладиган оилалар билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрловчи «Оила» маркази ходимлари салоҳиятини ошириш масалаларига қаратилди.

«Оила» маркази директори, сенатор Дилорам Ташмухамедованинг таъкидлашича, Ўзбекистонда оила, айниқса, хотин-қизлар ва болаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда, уларнинг ривожланиши ва ўзини бирон-бир соҳада тўлиқ намоён қилишлари учун етарлича шароитлар яратиб берилмоқда. Аммо шунга қарамай, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш жараёнида қатор камчилик ва тўсиқлар борлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, маиший зўравонлик жабрдийдаларини ҳам, оила аъзоларига нисбатан куч ишлатадиган шахсларни ҳам маълумоти ёки ижтимоий мақоми бўйича ажратиб бўлмайди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон томонидан «Хотин-қизларга нисбатан камситилишларнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, «Хотин-қизларни ва эркакларни тенг ҳуқуқ ва имкониятларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақоми, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қиладигани алоҳида эътироф этилди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган очиклик сиёсатини изчил давом эттириши, ўзи иштирок этадиган ва, албатта, «Doing Business»дан бошқа инвесторлар кузатадиган рейтингларга ҳам эътибор қаратиши керак. Ушбу рейтингларнинг биринчи навбатда эътибор қаратадиган жиҳатлари ва талабларини эса янада чуқурроқ ўрганиш лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан юритиладиган иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон 140-ўринни эгаллаб турибди.

«World justice project» томонидан олиб бориладиган ҳуқуқ устуворлиги индексида Ўзбекистон жорий йил натижаларига кўра, 94-ўринда қолмоқда.

Коррупция бўйича «Transparency International» индексида эса афсуски жуда ачинарли ўриндамыз.

Тан олиб айтишимиз керакки, узоқ йиллар давомида хорижий сармоядорлар ана шундай рейтингларни кўриб, жиддий кузатиб турганида биз ўзимизни алдаб келдик. Ҳатто «World justice project»ни ҳуқуқ устуворлиги жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш бўйича Сингапурдан кейин иккинчи ўринда турамыз, деб матндан юлиб олинган маълумотларга маҳлиё бўлиб ҳам юрганмыз. Умумий рейтингда эса аслида 90-91-ўринларда бўлардик.

Шу ўринда бир муҳим масалани қайд этиш керак. Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон имзоланди.

Ушбу муҳим ҳужжат билан Инвестицияни рағбатлантиришга оид Давлат дастури ҳам қабул қилинди. Агар биз ана шу фармон ва дастурларга оғишмай амал қилсак, ўйлаيمانки, юртимизга кириб келадиган инвестиция оқими кескин ошади.

Дилорам ТОШМУХАМЕДОВА:

**«ОИЛАДАГИ
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
МУҲИТНИ ЯХШИЛАШДА
БИР ҚАТОР
КАМЧИЛИКЛАРИМИЗ
БОР...»**

✓ “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МАСЪУЛМИЗ

талаб даражасида сингдира олсак, ислохотларимиз пойдевори мустаҳкам бўлади. Энг муҳими, ҳар биримизни ташвишлантириб, ҳатто хавотирга солаётган жиноятларнинг олди олини бошлайди.

Маълумки, буюк бобомиз Амир Темур салтанатидаги ислохотларда ҳуқуқ билан бирга маънавият, инсон манфаатига хизмат қилувчи эзгу ғояларга ҳам кенг ўрин берилган. Натижада бу ҳаракат халқда давлат ишларига нисбатан розилик туйғусини уйғотишда асосий меъзон бўлган. Булар Амир Темур тузуқларида ўз аксини тоғганини ҳам таъкидлаш жоиз. Унда агар хато қилган, айбдор саналган, тақиқланган ҳаракатларни содир этган кишиларга жазо бериш керак бўлса, унга азоб бериш, қийнаш, танага жараҳат етказиш каби чораларни қўллаш тақиқлангани, маърифат билан тўғри йўлга бошлаш кераклиги белгилаб қўйилган.

Миллий маънавиятимиз ва миллий манфаатларимизни таъминлаб берувчи барча манбаларнинг ягона манбаи чиндан ҳам Бош Қомусимиздир. Жамиятни соғломлаштириш, фуқароларда Конституция ва қонунларга ҳурмат пайдо бўлгандагина ҳуқуқий жамият барпо этиш мумкин бўлади.

Бас, шундай экан, маънавиятимизни юксалтириш, мавжуд қонунларга қатъий амал қилишни ҳар биримиз ўзимиз, яқинларимиздан бошлашимиз лозим бўлади. Бугунги Ўзбекистон бутун дунёда меҳроқибатли, кечиримлилик туйғуси барқарор бўлган мамлакат, маънавияти, тарихи ва аждодларига юксак эҳтиром кўрсатувчи давлат, дея эътироф этилмоқда.

Бу кейинги йилларда олиб борилган тизимли ишлар, Ўзбекистон имижини шакллантириш йўлидаги изланишлар самараси, албатта. Эндиги вазирамиз эса Давлатимиз раҳбари атрофида бирлашиб, муваффақиятларимиз салмоғини ошириш, иқтисодий, ижтимоий ҳаётимиздаги муаммоларни изчил бартараф этиш орқали халқимизни рози қилишга ҳисса қўшишдан иборатдир.



Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

Ҳар қандай демократик давлатда қонун устуворлигини таъминлаш аҳоли фаровонлигининг асосидир.

Тан олиш керак, узоқ йиллар давомида Конституциямизни мукамал ҳужжат, дунёда муқобили йўқ, дея атадиғу, ижросини таъминлашга келганда амалий ишларни қоғозларда кўрсата олдик, холос. Оқибатда қонун ва қонуности ҳужжатлари кимларнингдир манфаатига хизмат қилди.

Минг шукрки, Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган ислохотлар туфайли аҳолининг қонунлар, фармон ва қарорларга ишончи пайдо бўлди. Энди ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан келиб чиққан ҳолда фикр билдириб, амалдаги ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритяпти. Яъни, одамлар қонунлар ижросини назорат қилишда ҳам қатнашяптилар.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига

бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Яъни “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”.

Ҳақиқатан ҳам, яқин ўтмишимизда қонунларга нисбатан эътиборсизлигимиз, айниқса, сиёсий партиялар, депутатларнинг лоқайдлиги қанчалар кимматга тушганини кўрдик. Бас, шундай экан, бугунги имкониятлар даврида қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас эканмиз, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин кечаверади. Бугун жамоатчилик том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этяптилар.

Шунинг учун ҳам Президентимиз маърузасида халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлидаги

ислохотлар изчил таҳлил этилиб, энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда аҳоли фаровонлигини кафолатловчи вазифалар Конституцияда белгилаб олинади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ҳам Конституция ҳар қандай ўзгаришлар учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтай бошлайди. “Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаши лозим”, “Халқ манфаатлари барча нарсадан устун” тамойиллари остида амалга оширилаётган ўзгаришлар ўз мевасини берапти ҳам. Бунинг ҳаётий ўзгаришлар, соҳа ва тизимларда кузатилаётган натижалар, ёшлар учун яратиб берилаётган шароитлар, ҳатто уларнинг орзу-умидларида ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи кун сайин мустаҳкамланиб борапти.

Давлатимиз раҳбари маърузасини эшитиб, партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазифалар асосида янада фаоллик кўрсатишимиз лозимлигини яна бир қарра ҳис қилдим.



Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик. Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби. Бу – кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги. Ва биз халқимизнинг туб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган ана шундай сиёсатни жадал давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки уни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз. Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улғу мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Таълим тизимига бирламчи эътибор



Бош Қомусимизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Давлатимиз раҳбари “... уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болаликдан бошлаб нонни кўзимизга суртиб эъзозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюк қадриятимизга айланган”, дея таъкидлаганларида яна бир қарра тинч ва осойишта юртда яшаш хоҳиятини англагандек бўлдим.

Таълим тизими ходими сифатида давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган ушбу мавзунинг ниҳоятда долзарблиги, глобаллашув жараёнларида таълимдан кўра, тарбиянинг ўрни, янги авлод вакиллари ҳаётидаги роли муҳимроқ эканини соҳа вакили сифатида чуқурроқ ҳис этаман.

Бугунги мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактабларида жамиятимиз устунлари улғаймоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз иқтисоддан ҳам кўра, таълим-тарбияни давлат сиёсати даражасига кўтариш кераклигини қайта-қайта ўқдириб келяптилар. Маърузада мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратилгани зиммамиздаги масъулиятни чуқурроқ англашимизга ҳам даъват этди. Очигини айтиш керак, кейинги уч йилда тизим янгиланди, тизимга муносабат ўзгарди, тартиб-қоидалар такомиллашди. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни қамраб олиш даражаси қарийб 50 фоизга етди. Мен раҳбарлик қилаётган боғча ҳам шу йил қайта таъмирланди. Айни пайтда замонавий жиҳозлар, шинам хоналар, қулай ўйин ва спорт майдончалари

болажонларга хизмат қияпти.

Аммо соҳамизда қонунларни четлаб ўтаётганимиз, ҳуқуқий билимсизлигимиз туфайли кўнгилсизликларга учраб, бошқаларни айбдор санаётганимизни ҳам тан олишимиз керак.

Кўпчилигимиз қонунга, тартиб-интизомга нисбатан эътиборсизликни кўриб кўрмасликка оламиз. Бугунги ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ҳам аслида шу, деб ўйлайман. Утган уч йиллик ўзгаришлар давридагина дахлдорлик ҳисси ҳақида гапира бошладик. Нима бўлганда ҳам биз энди таълимнинг энг қуйи бўғини, пойдеворини мустаҳкамлашга киришдик. Зеро, пойдевори мустаҳкам бинодагина кўнгил хотиржам, фаровон яшаш мумкин бўлади. Буюк келажакимиз пойдеворини мустаҳкам қуриш йўлида эса партияимиз шиорида қайд этилганидек, нафақат соҳа ходимлари, балки барчамиз кўлни қўлга беришимиз керак!

Матлубахон МИРЗОЛИМОВА,
Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод

Кутинг!

Келгуси сонларимизда



59-Бўрижар сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган Элдор Туляковнинг бошқа номзодлардан қандай фарқи бор?

**ЭЛДОР
ТУЛЯКОВ КИМ?**

✓ Агар ҳар йили ўрта таълим мактабларини битириб чиқаётган 1 миллион атрофидаги ўқувчиларнинг ҳеч бўлмаса 30 фоизига тадбиркорлик «вируси»ни юқтира оласак, мактабдан кейин ўзларини олий таълим тизимида кўраётганлар сони кескин камаяди.

Экспертларнинг фикрича, яқин юз йил давомида жаҳон иқтисодиёти турли инқирозларни бошдан кечирса-да, ЯИМни шакллантиришда тадбиркорликнинг улуши ошиб бораверади. Айниқса, бу жараён ривожланаётган мамлакатларда яққол кўзга ташланади. Осиёда ҳам бизнеснинг 90 фоизи, янги иш ўринларининг эса 60 фоизи айнан тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилиши тахмин қилинмоқда. Кейинги 50 йил ичида Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кичик ва ўрта бизнес улуши кескин ошади. Бу энг аввало, мамлакатда соҳа ривож учун қулай бизнес муҳити яратилаётгани, тадбиркорликка оид қонунчилик такомиллаштирилиб, имтиёзлар посангиси бизнес вакиллари томонга оғдирилаётгани билан боғлиқлиги айтилмоқда.



ТАДБИРКОРЛИК ТАЪЛИМОТИ ДАВР ТАЛАБИ

Ҳа, чиндан ҳам иқтисодий имкониятлар кенгайгани сари тадбиркорлик билан шуғулланадиганлар сони ортиб бораверади. Буни жаҳон тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Давлат раҳбари ташаббуси асосида қабул қилинган «Yoshlar – kelajagimiz» ва «Ҳар бир оила – тадбиркор» сингари узоқ муддатга мўлжалланган давлат дастурлари янги авлод вакилларининг бизнесга дадил кириб келишларига хизмат қила бошлади.

Аммо ёшлар ишбилармонлигига доир кўрсаткичлар яхшиланаётган бўлса-да, ҳали мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланяпмиз, деб бўлмайди. Айниқса, чекка ҳудудлардаги ёшларнинг тадбиркорликка оид етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги улар учун асосий ғов бўлиб қолмоқда. Бу борадаги қонунчилик, ишлаб чиқилган бошқа ҳужжатлар ҳам ҳозирча ана шу ғовни олиб ташлашга ожизлик қиляпти. Шунинг учун ҳам кўплаб ёшларимиз тавақкалига тадбиркорликка қўл уришяпти.

Бу эса, бугунги давр ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнида ноанъанавий ғояларни илгари суришни тақозо этмоқда.

Хусусан, ёшларда мактаб давридан бошлаб тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, айнан ана шу даврда уларга бизнес оламининг сир-синоатлари тўғрисида мукамал маълумотлар берилишига эришиш лозим. Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ушбу соҳага мактаб давридан асос солинганини кўрсатяпти. Хусусан, Хитойда 1980 йиллардан бошлаб мактабларда тадбиркорлик таълимоти жорий этилган.

– Хитойда кичик бизнеснинг ривожланишига асосий сабаб бу – умумтаълим мактабларида тадбиркорлик сектори ва кичик тадбиркорлик субъектлари сир-синоатларининг алоҳида эътибор билан ўқитилишидир, – дейди Гарвард бизнес мактабининг Осиё минтақаси бўйича маслаҳатчиси Жам Аугусто Собел. – Мазкур ислохотлар натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда Хитой дунёдаги энг йирик

тадбиркорлик секторини ташкил этишга муваффақ бўла олди.

Жаҳон тадбиркорлик мониторинги ташкилоти маълумотиغا кўра, 2012 йили хитойлик тадбиркорларнинг 57 фоизини 18-34 ёшдагилар ташкил этган. Ўтган йилги битирувчи ёшларнинг 66.4 фоизи ҳам ўзлари учун тадбиркорликни энг яхши карьера сифатида танлашган. Шу ўринда Хитойда мактаб битирувчиларининг 70 фоизи тадбиркорликни, Ўзбекистонда эса жами битирувчиларнинг 90 фоизи ОТМларига киришни мақсад қилаётганини таъкидлаш жойиз. «Жаҳон фабрикаси» номини олган ушбу мамлакат нима учун тадбиркорлик борасида дунёнинг 1-рақамли давлатига айланганининг асосий сабаби эса ушбу ҳаракатга 80-йилларда асос солингани билан изоҳланяпти.

Ҳукумат, саноат ва ёшлар ўртасида ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилиши натижасида хитойликлар ҳаёти янги босқичга олиб чиқилди, дейиш мумкин. Бу уч жамият орасидаги барқарор муносабатларни узлуқсиз таъминлаш учун

эса Хитой ҳукумати томонидан қатор ислохот ва инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. Яъни, тадбиркорлик ва инновация Хитой иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи асосий локомотивга айланди.

Агар юртимизда ҳам хорижий давлатлар тажрибасидан самарали фойдаланилса, нафақат тадбиркорлик янги босқичга кўтарилади, балки ёшлар ҳаёти билан боғлиқ кўплаб муаммоларга ҳам ечим топилади. Энг асосийси, ишсизликка, хусусан, ёшларнинг хорижга кетиб қолишларига қарши зарба берилди.

Маълумки, кейинги икки йил давомида олий таълим муассасаларига қабул қилиш 9 фоиздан 15 фоизга ошди. Аммо шунга қарамай, 2018 йили Олий ўқув юртларида ҳужжат топширган абитуриентларнинг 9 фоизи ўқишга қабул қилинган, яъни 660 минг йигит-қиз олий ўқув юртлари остонасидан умидсиз қайтган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотига қараганда, 2019/2020 ўқув йилида 1 066 092 абитуриент олий ўқув юртларига ҳужжат топширган. Лекин

қабул квоталарининг чеклангани боис уларнинг 12 фоизигина ўқишга кирган, холос. ОТМларига кира олмаган ёшларнинг бир қисми меҳнат муҳожирлари сафига қўшилиётгани мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан бирига айланганини кўрсатади. Агар таълим тизими мутасаддилари масала моҳиятини чуқур англаб, яқин келажакда юзга келиши кутилаётган ижтимоий муаммолар хавфини ҳис этсалар, тездан таълим тизимида ёшларни тадбиркорликка йўналтирувчи янги бир йўналишни очиб, унга бирламчи эътибор қарата бошлайдилар.

Тўғри, 2018 йилдан бошлаб, мамлакатимизда «Тадбиркорлик асослари» фани ўқитилляпти. Аммо тахсиллар ушбу фан номигагина ўтиллаётгани, энг асосийси, ўқувчиларга соҳадан мутлақо беҳабар бўлганлар дарс бераётганини кўрсатмоқда. Яъни, яқин келажакда мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётини кескин ривожлантириши мумкин бўлган янги авлодга яна эскича муносабатда бўляпмиз. Агар ҳар йили ўрта таълим мактабларини

битириб чиқаётган 1 миллион атрофидаги ўқувчиларнинг ҳеч бўлмаса 30 фоизига тадбиркорлик «вируси»ни юқтира оласак, мактабдан кейин ўзларини олий таълим тизимида кўраётганлар сони кескин камаяди. Энг муҳими, бу жараён изчил давом эттирилса, яқин ўн йилда Ўзбекистонда том маънодаги тадбиркорларнинг янги авлоди пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабларда тадбиркорлик ва кичик бизнес фанининг қоғозда эмас, амалда жорий этилиши Ўзбекистонда ишбилармонлик ривожини, яъни миллий иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқиш кафолатига айланади. Бунинг учун эса қатор ислохотлар ва инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши шарт. Чунки бундай ёндашув келажакда тадбиркорликни мамлакат иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи асосий омилга айлантириши шубҳасиз.

Самандар ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
«Миллий тикланиш»
демократик партияси
фракцияси Ижрочи
котиби

Ўйлаб кўринг!



Мирзоозод
МИРЗАНЕЪМАТОВ,
Наманган давлат
университетининг
«Ижтимоий
иш» йўналиши
2-босқич
талабаси,
ЎзМТДП аъзоси



**ЖАНОБ
ВАЗИРГА**

**ТАКЛИФИМ
БОР!**

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ва бошқа мутасадди
идоралар раҳбарлари
диққатига...

Маълумки, юртимизда фаолият олиб бораётган айрим Олий таълим муассасаларида (Самарқанд, Фаргона, Наманган), «Ижтимоий иш» йўналиши бўйича кадрлар тайёрланади. Ўзим ҳам айна шу йўналишда тахсил оламан. Одатда биз – талабаларга «Ижтимоий ишга кириш», «Ижтимоий ишнинг этник принциплари ва қадриятлари», «Ижтимоий иш назарияси», «Ногиронлар билан ишлаш», «Оила ва болалар билан ишлаш», «Оила билан ишлашда ҳуқуқни қўллаш амалиёти», «Ижтимоий сиёсат», «Конфликтология» сингари бир қатор фанлар ўқитилади. Бунда болалар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир хасталикка чалинганлар, жазони ўтаб чиққанлар ёки ўтаётганлар, руҳий тушқунликка тушганлар, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламнинг ижтимоий муаммолари ва уларни ечиш юзасидан сабоқ берилади. Аммо ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ушбу йўналишда тахсил олаётган кадрларни ва уларга қабул квоталарини кескин кўпайтириш ва талабаларда босқичма-босқичлик асосида педагогик кўникмаларни шакллантириб боришни тақозо этаётганини таъкидлаш жойиз. Бу, энг аввало, шу соҳада таълим олган йигит-қизларнинг юқори синф ўқувчиларига дарс ўта олишлари учун керак.

Тўғри, ҳали мактабларимизда бундай фаннинг ўзи йўқ. Аммо мактабларда ана шу йўналиш йўлга қўйилса, бир қанча ижобий ўзгаришларга эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Соддароқ айтганда, бу фан Абдусаматнинг ўтган йилги туфлисини бу йил ҳам кийган Абдусатторнинг устидан кулмаслиги кераклигини тушунтириш учун керак. Гулинин чин кўнгилдан севадиган Абдусаматга ундан узоқроқ юришини тушунтираётган Абдуҳошимнинг «ўзи бир отасини танимайдиган етимча» эканини кўпчиликнинг олдида писанд қилмаслиги учун керак. Ногиронлиги учун ҳар сафар стадионга кетадиган ўртоқларининг «ҳеч бўлмаса дарвозабонлик қилиб бер дўстим» дея Меливоёга муурожаат қилишлари учун керак бу фан. Ҳар замонда бир тутқаноги тутиб қоладиган Қодиранининг

касаллиги кўзгаганда ўртоқлари ўзларини олиб қочишлари, ё мактаб ҳамширасини чақиритишлари эмас, дарров 3-4 кишилашиб, уни тиббий пунктга олиб боришни одабга айлантиришлари учун керак бу фан. Қизларга энг катта орзу фақат турмуш қуриш эмаслигини англашиш учун ҳам керак бу фан. Ота-оналарга ўғиллари учун таг-туғли оиладан келин топиш учун, қизларини эса яхшироқ жойга узатиш, эрта бIRON гап бўлса, «эри олдида тили калта бўлмаслиги» учунгина ўқитишга уринишлари керак эмаслигини фарзандлари номидан тушунтириш учун керак бу фан. Ўқитиш ният қилган қорақўзларнинг эса ота-она қистовига осонликча таслим бўлмасликлари учун ҳам керак бу фан. Маълумки, ёшларни оилага таёрлашни мактабларнинг юқори синфларидан бошлаш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта турмуш қуриш қандай оқибатларга олиб келиши тобора аён бўлиб бораёпти. Агар шундай йўл тутилса, кўплаб хатоларнинг олдини олиш, ногиронлиги бор фарзандлар, ажрашишлар, тирик етимлар туғилиши, ҳатто ўз боласини ўлдиришдан ҳам тап тортмаётганлар сонининг камайишига эришиш мумкин. Олийгоҳларда инклюзив таълим тизимини нормаллаштириш ва ривожлантириш учун ҳам керак бу фан. Бу ишни эса ижтимоий иш, ижтимоий ишчиларни кўпайтириш ва улар фаолиятини ривожлантиришдангина бошлаш мумкин. Ушбу йўналишда ўқиётганлар майли ўз иқтисод ва салоҳиятига қараб юқори лавозимларга кўтарилсин. Бу йўлда уларга омад. Аммо битирувчилар ҳеч бўлмаганда, энг чекка қишлоқ мактабининг юқори синф ўқувчиларига бир ҳафтада бир марта, ақалли 45 дақиқа дарс беришга ярайдиган бўлишсин. «Иштимоий иш» бошқа йўналишга осонгина кўчиб ўтса бўладиган, кириш осон, «трамплин» сифатида фойдаланиладиган йўналиш эмаслигини ҳам ниҳоят англаб етишимиз лозим. Аксинча бу фан залворли ва маъсулятли соҳа сифатида эътиборга мослик эканини сезиб, ҳозирданок реал натижалар учун ҳаракат қилишимиз керак.

✓ “Барқарор қонунчилик” концепциясини амалда таъминлаш, яъни қонун ҳужжатларига пухта ишланмаган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонун ҳужжатларини асоссиз қабул қилишга йўл қўймаслик, шунингдек, қонун ҳужжатларини узоқ йилларни кўзлаб қабул қилиш амалиётига ўтишни қўллаб-қувватлаймиз.

1

Байналминал
сайлов округи



Мусаева Моҳидил Исмоиловна

8

Саноат сайлов
округи



Исманов Адхамжон Набижон ўғли

15

Балиқчи сайлов
округи



Маматкулов Шавкат Муҳаммадумарович

2

Темирйўлчилар
сайлов округи



Раҳманова Муҳаррам Исмоиловна

9

Суджаат сайлов
округи



Таджибаев Умрбек Хекматуллаевич

16

Олимбек сайлов
округи



Исмоилов Қодиржон Собиржонович

3

Бўстон сайлов
округи



Кучкаров Хуршидбек Бахрамович

10

Кўмакай сайлов
округи



Зайнобиддинов Комилжон Адилович

17

Обод сайлов
округи



Жўраев Хўсанбой



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАН
КўРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН КўРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

4

Маориф сайлов
округи



Носирова Дилфуза Набиевна

11

Марказ сайлов
округи



Ахмедова Муҳтабархон Зокиржоновна

18

Бўз сайлов
округи



Оманов Хамиджан Камилович

5

Шифокор сайлов
округи



Халилов Муҳтар Исмоилович

12

Оразий сайлов
округи



Сотволдиев Зайнобидин Исомидинович

19

Ҳақиқат сайлов
округи



Хайдарова Зулфия

6

Бунёдкор сайлов
округи



Қиличев Отабек Равшанович

13

Чинобод сайлов
округи



Шодмонова Наргиза Ғуломовна

20

Назармаҳрам
сайлов округи



Раҳмонов Беҳзодбек Нурматжонович

7

Наврўз сайлов
округи



Тўқтасинов Сайдилло Хайриллаевич

14

Эски ҳаққулбод
сайлов округи



Жўраева Дилнавозхон Исроилжоновна

21

Чўжа сайлов
округи



Абдижалилов Солижон Тўйчибоевич

✓ Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш, биринчи навбатда, Ўзбекистон халқини ташкил этувчи бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганишини осонлаштирувчи замонавий мультимедиа воситаларига асосланган методикаларни оммалаштиришга кўмаклашамиз.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

22

Ўрта Шахрихон
сайлов округи

Отахонов Ҳахрамонжон Қобулжонович

30

Занкан сайлов
округи

Ҳабибуллаев Раҳимжон Абдуллажонович

38

Манак сайлов
округи

Исмаилов Ҳасанбой Тешабоевич

23

Гулшан сайлов
округи

Маткаримов Раҳматулло Абдуқодирович

31

Мингтепа сайлов
округи

Сиддиқов Зиёвуддин Фахриддинович

39

Жалақудук
сайлов округи

Мамитова Садбархон Нематжоновна

24

Баҳор сайлов
округи

Ҳомидова Махпузахон Шокировна

32

Пахтакор сайлов
округи

Шодмонова Мавлудахон Махамаджоновна

40

Қатортол сайлов
округи

Бакирова Замира Қолдаровна

25

Автомобилчи
сайлов округи

Норматова Ҳафизахон Асатуллаевна

33

Хўжаарик сайлов
округи

Сулаймонов Муроджон Шаҳобиддинович

41

Ойим сайлов
округи

Иминжанова Дилфузахон Эргашовна

26

Зарбдор сайлов
округи

Шомирова Шоҳидахон Азимовна

34

Қулла сайлов
округи

Қосимов Бахтиёржон Маликжонович

42

Абдуллабий
сайлов округи

Бакиров Азад Бегжонович

27

Мустаҳкам
сайлов округи

Баҳромов Усубжон

35

Найман сайлов
округи

Тўланов Давронбек Раҳимович

43

Шахрихонсой
сайлов округи

Ахунов Бахтиёр Раҳимжонович

28

Асака сайлов
округи

Қосимов Қобилжон Қосимович

36

Маярик сайлов
округи

Тангриев Фозилжон Тўхтаевич

44

Қўрғонтепа
сайлов округи

Мирзаев Раҳимжон Расулович

29

Қужган сайлов
округи

Бобахонов Мансуржон Махмуджонович

37

Етти чинор
сайлов округи

Юлдашева Тожибар Ўктамовна

45

Дардоқ сайлов
округи

Ахмедова Иродахон Шохитбековна

✓ Партия маҳаллий ижро органлари раҳбарларини лавозимга тайинлашдан олдин халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар муҳокамасидан ўтиши, унда ўзининг аниқ кўрсаткичларга эга ўрта ва узоқ муддатли дастурини депутатларга тақдим этиш амалиётини жорий этиш тарафдори.

46

Қорасув сайлов округи



Отабоев Ойбек Расулович

51

Маданият сайлов округи



Балтабаев Шакиржан Мамажанович

56

Қорадарё сайлов округи



Мусаева Диёра Яшаржоновна

47

Хонобод сайлов округи



Мухитдинова Нигора Комилжоновна

52

Пойтуғ сайлов округи



Мусурманкулов Дилмуроджон Холмирзаевич

57

Бўтакора сайлов округи



Ахмадалиев Садриддин Мухаммадхалилович

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

48

Ўзбекистон сайлов округи



Қулдашев Анваржон Абдуқохорович

53

Жонобод сайлов округи



Даминов Азамжон Абдулғаниевич

58

Ёрбоши сайлов округи



Мирзаев Бахтиёржон Обокулович

49

Қўқонқишлоқ сайлов округи



Солиева Шахлохон Адахамжоновна

54

Тўрткўл сайлов округи



Солиев Илхом

59

Хоқон сайлов округи



Холмирзаев Элёрбек Рафиқович

50

Қумшайдон сайлов округи



Мирзаев Фаррух Зиётдинович

55

Чувама сайлов округи



Жўраева Наргиза Камчибековна

60

Қўнжи сайлов округи



Иминов Пулатжон Салимжонович

Ҳар бир бола эътиборда

ОЎҒИ ЕРДАН УЗИЛМАГАН КИШИГИНА БУНИ ҲИС ҚИЛИШИ МУМКИН



Айни пайтда дунё аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғи, яъни ҳар етти кишининг бири ногирон бўлиб, уларнинг 100 миллиондан ортиғини болалар ташкил этмоқда.

Ҳар йили 3 декабрни ногиронлар куни сифатида нишонлашдан мақсад эса имконияти чекланган фуқароларга эътибор қаратиш, улар оғирини енгил қилишга ҳисса қўиш ҳар-бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини англаштиришдан иборатдир. Шу билан бирга амалга оширилаётган барча дастур ва лойиҳаларда ногиронларнинг етти мучаси соғ кишилар билан тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этиши мумкинлигини, ногиронлар манфаати, кадр-қимматини ҳимояловчи қонунлар ва тартиб-таомилларнинг жорий этилишини таъминлашдир.

Ўзбекистонда ҳам айнан шу куни имконияти чекланган фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканликларини амалда намоён этиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилади. Бундай эътиборни 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги фармони имзоланганида ҳам кўриш мумкин. Ушбу фармонда ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шарт-шароитлар борасида тегишли ташкилотлар зиммасидаги масъулият кучайтирилди. Бундан ташқари ҳужжатда авваллари ногиронларга нисбатан ишлатилган «ногирон» сўзи ўрнига «ногиронлиги бўлган шахс» иборасининг қўлланилиши ҳам белгилаб қўйилди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан ҳам ушбу йўналишда тизимли тадбирлар ташкил этилмоқда. Халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгаши депутати Акмал Рўзитоёвнинг таъкидлашича, депутат ёки партия аъзоси эмас, балки шу юртининг оддий бир фуқароси сифатида ҳар бир юртдошимиз ҳолидан хабар олишни бурчга айлантирсак, ногиронлиги бўлган шахслар муаммоси жуда тез ва ижобий ҳал этилишига эришамиз.

Куни кеча туман Кенгаши депутатлари Зулайхо Камолходжаева, Эргаш Каримов ва Акмал Рўзитоёвлар ушбу сана муносабати билан Яшнобод туманидаги 52-сонли ихтисослаштирилган мактабда ташкил этилган тадбирда қатнашиб, мактаб ўқувчиларига эсдалик совғалари топширдилар.

✓ **Мадҳиямиз – халқни ягона мақсад йўлида бирлаштиришга қодир миллий қўшиғимиздир. Унда юртимиз таровати, халқимизнинг бой ўтмиши, келажакка мустаҳкам ишончи, мақсад-маслағи мужассам.**

Зарина Зулфияхонимнинг муносиб издошларидан




Ҳар йили 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фан, таълим, адабиёт, спорт, санъат, маданият ва жамоатчилик соҳаларида ўз истеъдодини намойён этаётган мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган қизлар «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланадилар.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 181-сонли умумтаълим мактабида «Зулфияхоним» тўғрагини ташкил этиб, 2014 йилдан буён унга раҳбарлик қиламан. Ана шу фаолиятим давомида кўплаб истеъдодли ўқувчи-қизларни тарбияладим. Уларнинг аксарияти бугунга келиб, жамиятда муносиб ўринларини топишган. Улар орасида истеъдодли шогирдим Зарина Жўраевани алоҳида тилга олишни истардим. 9-«Б» синфида ўқийдиган Зарина адабиёт йўналишида кўплаб ютуқларга эришган. Ўтган ўқув йилида ҳам бир қатор шеърят танловлари, жумладан, «Жаҳолатга қарши маърифат», «Камалак юлдузлари», «Юксак маънавиятли ёш авлод» каби тадбирларнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлганидан ташқари, «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига номзодини қўйиб, туманда 1-шаҳарда эса 4-ўринни эгаллаганидан бошим кўкка етди.

2019-2020-ўқув йилида жажжи қаламқашимизнинг «Бахт боғи», «Дил титроқлари», «Мустақиллик – менинг тасаввуримда» номли шеърый тўпламлари чоп этилди. «Зулфияхоним қизлари» танловининг туман босқичида ғолиб бўлиб, яна шаҳар йўлланмасини қўлга киритди. Иқтидорли шогирдим Зарина Жўраеванинг ижодига омад ва зафарлар тилаб, бутун мактабимиз жамоаси номидан унинг «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлишига тилакдошимиз.

Зарифа ТОШОВА,
Чилонзор туманидаги
181-мактабнинг она тили ва адабиёт
фани ўқитувчиси



Давлат мадҳияси муассаси муаллифи – Мутал Бурхоновнинг уй-музейидан суратлар

Мадҳиямиз – халқни ягона мақсад йўлида бирлаштиришга қодир миллий қўшиғимиздир. Унда юртимиз таровати, халқимизнинг бой ўтмиши, келажакка мустаҳкам ишончи, мақсад-маслағи мужассам.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурхонов муассаси асосида яратилган мадҳиямиз янграганда қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

Бухоро шаҳрининг Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида миллий муассаси санъатимизнинг буюк намояндаси Мутал Бурхоновнинг уй-музеи ташкил этилган. Композитор Мутал Бурхонов умрининг охири - 1997-2002 йилларда ўзи туғилиб ўсган шаҳардаги ушбу уйда яшаган.

Ўзбек композиторлик мактаби асосчиларидан бири, биринчи ўзбек хор жўрлиги асарлари муаллифи Мутал Бурхонов ижодий фаолияти давомида турли жанрларда юксак бадий асарлар яратди. Унинг ижодига мансуб «Мангу хотира» марсияси, «Навоий қасидаси», «Севги номи ила», «Шоир орзуси», «Шундай қилиб сен кулмадинг» романслари, «Она ер», «Зар иплар», «Баҳор» қўшиқлари, «Мафтунингман», «Ибн Сино», «Орол балиқчилари», «Сурайё», «Истиқбол йўли» каби бадий фильмларга ёзган




муассаси миллий санъатимиз хазинаси дурдоналаридандир. Шу ўринда, ижодкорнинг «Алишер Навоий» операси, Абдураҳмон Жомий шеърига басталаган «Ширу шакар» қўшиғи, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ҳамда ўз акаси, амакилари хотирасига бағишлаб яратилган «Абадий хотира» марсиясини алоҳида қайд этиш жоиз.

Музей «Мутал Бурхонов умр йўли», «Бастакорнинг ижод хонаси», «Эътироф, эҳтиром», «Муассаси тарихи» каби бўлимлардан иборат. Масканда бастакор ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ 2 мингдан ортиқ фото суратлар, турли ҳужжатлар, муассаси асбоблари, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари жой олган. Унинг ижод-хонасидаги иш қуроллари ва бошқа шахсий буюмлар томошабин эътиборини тортиши, шубҳасиз. Уй-музейида Марказий Осиёда муассаси санъати ривожланишига оид ҳужжатлар, XVIII асрда Бухорода шакланган «Шашмақом»нинг дастлабки нотага солиниши, у билан боғлиқ илк тадқиқотлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муассасининг яратилиш жараёни акс этган лавҳалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу экспонатлар ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий ва маданий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Назм бекати

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сеvimли шоиримиз, «Халқ сўзи» газетаси масъул ходими Абдували Қутбидинов орамизни эрта тарк этди. Нозиктаъб ва юксак дидли шоир Абдували Қутбиддин умрининг сўнги давларида ёзилган, сиёҳи қуримаган шеърларини сиз ўқувчиларга тақдим этмоқдамиз.



*Мен жуда ёлғизман,
Гўё қудуқда
Қовурғамгача сув, баданим оғу,
Билагим увушиб типирчилайти –
Мисли сўнги нола, охири ёҳу.*

*Мен жуда ёлғизман –
Қудуқдир жойим,
Безиллар, яшринар мендан чувалчанг,
Қурбақа, сен балки малаксан асли,
Не бўлар аслинга қайта олсанг.*

*Мен жуда ёлғизман –
Қўлимда нина
Тиламан, қазийман чуқурдан-чуқур.
Тепадан тош тўла пақир ташларлар,
Сўрарлар қилиб бер дея жавоҳир.*

*Мен жуда ёлғизман,
Азобим чексиз,
Қўлимда зангалаган қадимий тақа.
Бўйнимга ёпишиб этар тавалло,
Аслига қайтолмай ётган қурбақа.*

*Мен жуда ёлғизман,
Тепадагилар
Кенликда от суриб овлашар гуноҳ,
Мени тушунмаслар (фаҳм шарт эмас).
Аждарман
Ва исми «Оҳ»дир менинг
«Оҳ».*

*Мен эскирдим,
Шалтоғим чиққан,
Шаҳдим учган, қабоғим сўлган,
Бир зўр йигит ичимда ўлган...*

*Кулбамга ҳам сиғаман зўрға,
Хира тортидим,
Қулоғим оғир.
Ҳар кечқурун ютади тўрва,
Ҳар кундузи судрайди тақдир.
Уйланмасдан қолганман. Бошим
Ғувуллайти.
Тўғриси бўм-бўш.
Гоҳи-гоҳи индамай титрар,
Тумшукчаси синиб кетган қуш.*

*Мен эскирдим,
Шалтоғим чиққан.
Фойдам тегмас. Мум қотган ансам.
Кетай десам, товонда қурб ўйқ,
Овозим йўқ, бақирай десам.*

*Қабристон...
Бобом қабри...
Салом, сукутга чўмганлар...
Сув пуфаклар ёрилаётган булоқ...
Иллатлардан ҳоли балиқлар...
Вақт эккан чинор...
Бобом тинчмикан...*

Бир чимдим кулги

Қизимга шоир ва дўхтирдан совчи келди. Мен уни дўхтирга узатдим ва шоир бахтли бўлди.

– Ўтган йили ўн гектар ерга картошка эккан эдик. Қурт еб кетди. Бу йили юз гектар ерга эдик. Қуртлар бўкиб ўлса, келаси йилдан бемалол деҳқончилик қилаверамиз.

Кутинг!

«ИНҚИЛОБИЙ» МУВАФФАҚИЯТ
ОРТИДА КИМ ТИРИБДИ?

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИНГ ВА «MALIBU» ҲАМДА «SPARK» АВТОМОБИЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТИНГ!

Обуна – 2020!

Обуна индекси 158

Келгуси сонларимизда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, **Абдулазиз АККУЛОВ**,
Минхожиддин МИРЗО, **Нодир МУХТОРОВ**, **Акмал САИДОВ**,
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, **Аброр ПЎЛАТОВ**,
Отабек ЖИЯНБОЕВ, **Илхом АБДУЛЛАЕВ**,
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, **Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ**,
Амриддин БЕРДИМУРODOV, **Шавкат ШАРИПОВ**,
Ортиқали ҚОЗОҚОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент- 100000, Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55,
Реклама ва маркетинг бўлими: 234-86-41,
Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
234-87-74,
Бухгалтерия: 234-87-73.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
Рашид МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Моҳира БАХТИЁРОВА
Дизайн:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:
gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

Газета «SHARQ» нашриёти-маъба акциядорлик компаниясида
чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафталик чоршанба кунини чикади.

Адаби – 10 020.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Ҳажми: 4 босма табоқ, офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими: 350x587
Буюрғма – 1226
Босишга топшириш вақти 21.30. Топширилди 4.00

12345